

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
А К А Д Е М И Я

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ҚЎРИҚЛАШ ХИЗМАТИ
ФАОЛИЯТИ КУРСИДАН МАСАЛАЛАР
ТЎПЛАМИ

ЎҚУВ-АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМА

Тошкент – 2013

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Таҳририят-ноширлик ҳайъатида маъқулланган

Т у з у в ч и - м у а л л и ф л а р :

юридик фанлар номзоди, доцент М.З. Зиёдуллаев;
А.Х. Ашуров, Р.Б. Намазов

Т а қ р и з ч и л а р :

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги Қўриқлаш
бирлашмаси бошлиғининг ўринбосари полковник
Т.А. Қаххаров;

юридик фанлар номзоди Ж.С. Мухторов

И–96 Ички ишлар органлари қўриқлаш хизмати фаолияти
курсидан масалалар тўплами: Ўқув-амалий қўлланма / Тузув-
чи-муаллифлар: М. З. Зиёдуллаев, А.Х. Ашуров, Р.Б. Намазов.
– Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – 43 б.

Ушбу ўқув-амалий қўлланма Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслари курсантларининг «Ички ишлар органлари қўриқлаш хизмати фаолияти» курси бўйича олган билимларини амалий жихатдан мустаҳкамлаш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, унда ўқув курси дастурида белгиланган мавзуларга оид, ички ишлар органлари қўриқлаш хизматлари амалий фаолиятида кўп учрайдиган масалалар ҳамда уларни ечишга доир топшириқлар, шунингдек масаланинг қонун ва қонун ости ҳужжатлари талаблари асосида ишлаб чиқилган ечимлари берилган.

ББК 67.99(5У)8я73

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013.

СЎЗБОШИ

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизимида тизимли, мазмун-моҳиятига кўра кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Ислоҳотлар жараёнида Жиноят, Жиноят-ижроия кодексларига киритилган ўзгартиришлар жазони ўташ шароитларини анча яхшилаш, маҳкумларга муддатидан илгари озод бўлиш ҳуқуқини берадиган моддаларни кўпайтириш, жазони ўташ жойларида яшаш тартиби ва шароитини сезиларли даражада енгилаштириш имконини яратади¹. Ҳақиқатан ҳам жазонинг либераллаштирилиши натижасида инсонпарварлик, қадр-қиммат, адолат ва эзгуликни ҳар нарсадан устун қўйиш томон илдам қадам ташланди.

Ҳозирги даврда мамлакатимиз жиноят сиёсатида амалга оширилаётган ислоҳотлар жиноятларнинг оғир ва ўта оғир турларига нисбатан қарши кураш чораларини кучайтириш билан бир қаторда ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноят турларига енгилроқ жазо турларини тайинлашга қаратилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимиз Жиноят, Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилишига, унинг натижасида оғир ва ўта оғир жиноятлар жумласига кирувчи жиноятлар сонининг камайрилишига, содир этилган жиноятлар учун айбдорларга нисбатан шахсни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турларининг тайинланишига, яраштирув институтининг жорий этилишига замин яратиб, бугунги кунда ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Жиной жазоларни либераллаштириш борасидаги ишлар натижасида Ўзбекистонда ҳозирги кунда қамоқдагилар сони жаҳон миқёсида энг паст кўрсаткични, яъни ҳар 100 минг нафар аҳолига 166 кишини ташкил қилади. Қиёслаш учун айтиш мумкинки, Россияда бу кўрсаткич 611 кишини, АҚШда 738 кишини ташкил этади. Мамлакатимизда сўнгги ўн йилда озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётган маҳкумлар сони икки баробардан кўпроқ камайганининг ўзи ҳам бу соҳада олиб борилаётган

¹ Каримов И. А. Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т.19. –Т., 2011.– Б. 360.

ислоҳотларимизнинг қандай ижобий натижалар бераётганидан далолатдир¹.

Ушбу ўқув-амалий қўлланма Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслари курсантларининг «Ички ишлар органлари қўриқлаш хизмати фаолияти» курси бўйича олган билимларини амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш мақсадида тайёрланиб, унда ўқув курси дастурида белгиланган мавзуларга доир, ички ишлар органлари қўриқлаш хизмати амалий фаолиятида кўп учрайдиган масалалар ҳамда уларни ечишга оид топшириқлар, шунингдек масаланинг қонун ва қонун ости ҳужжатлари талаблари асосида ишлаб чиқилган ечимлари берилган.

Ўқув-амалий қўлланма илк бор тайёрланганлиги сабабли унда айрим камчиликлар бўлиши табиий. Шу боис ўқув-амалий қўлланма юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазаларни миннатдорлик билан қабул қиламиз.

¹ *Каримов И. А.* Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза (2010 йил 12 ноябрь). – Т., 2010.– Б. 20.

8-мавзу. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ҲУЗУРИДАГИ ҚЎРИҚЛАШ БЎЛИНМАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЮРИДИК ШАХС СИФАТИДА ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ

1-масала. 2011 йил 12 апрель куни Юнусобод тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими билан Юнусобод тумани Миллий банки ўртасида қўриқлаш шартномаси тузилди. Унга кўра Юнусобод тумани Миллий банки Юнусобод тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими ҳисоб рақамига ҳар ойнинг 15 - кунига қадар қўриқлаш хизмати томонидан ушбу банкни қўриқлагани учун шартномада белгиланган таъриф асосида пул суммасини ўтказиб бериш керак эди. Лекин Юнусобод тумани Миллий банки 2011 йилнинг июнь ойига қадар пул суммасини тўламасдан ва шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармасдан келмоқда.

Топшириқ.

1. Мазкур ҳолат юзасидан қўриқлаш хизматининг қонуний ҳаракатларини кўрсатинг.
2. Ушбу масалани қонуний тартибда ҳал қилинишини изоҳлаб беринг.

9-мавзу. ҚЎРИҚЛАШ БЎЛИНМАЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТАРТИБГА СОЛИШ АСОСИ

2-масала. Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуридаги Қўриқлаш бошқармаси 1-АМБ томонидан ўта муҳим тоифаланган объект, яъни Тошкент шаҳрини ичимлик суви билан таъминлайдиган «Бўзсув» каналини қўриқлашга қабул қилди. Бу объектда биттадан 24, 16, 12 ҳамда 8 соатлик қўриқлаш постлари ташкил қилинди.

Топшириқ.

1. Ушбу объектни қўриқлаш хизмати томонидан қўриқлашга бир ойда кетадиган харажатлар сметасини тузиш учун ўртача бир ойлик қўриқлаш вақтини ҳисоблаб беринг.
2. Ушбу объектни қўриқлаш хизматига жалб этилган шахсий таркибни моддий таъминлаш учун бир ойда қанча маблағ зарур бўлади?

10-мавзу. ҚЎРИҚЛАШ САФ БЎЛИНМАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ ХИЗМАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

3-масала. Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими 1-взвод командири кичик сержант А. Ж. Дадабоев ўз қўл остидаги саф бўлинма ходимларини эрталабки йўриқномага тайёрлаш мақсадида шахсий таркиб олдига келди.

Топшириқ.

1. Қўриқлаш бўлими 1-взвод командири кичик сержант А. Ж. Дадабоев ўз қўл остидаги саф бўлинма ходимларини текшириш жараёнини кўрсатинг.

2. Йўриқнома давомида қўриқлаш бўлими 1-взвод командири кичик сержант А. Ж. Дадабоев томонидан расмийлаштириладиган ҳужжатларни айтинг.

4-масала. Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими 1-взвод командири кичик сержант А. Т. Равшанов хизмат ўташ вақтида қўл остидаги ходимларнинг иш фаолиятини текшириш мақсадида қўриқловдаги «Тошкент лак заводи» объектига келди.

Топшириқ.

1. Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими 1-взвод командири кичик сержант А. Т. Равшанов текширув давомида нималарга эътибор беришини кўрсатинг.

2. Текширув сўнгида кичик сержант А. Т. Равшанов томонидан расмийлаштириладиган ҳужжатларни айтинг.

11-мавзу. ҚЎРИҚЛАШ МИЛИЦИЯ НАРЯДЛАРИ ХИЗМАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5-масала. Техник қўриқлаш пунктига қўриқловдаги Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани, Қорасув 3-дахаси, 14-уй, 8-хонадондан «ташвиш» хабари келиб тушди. Техник қўриқлаш пункти тезкор ҳаракатланувчи гуруҳи «ташвиш» хабари бўйича Мирзо Улуғбек тумани, Қорасув 3-дахаси, 14-уй олдига келиб автоуловдан тушди ва 8-хонадонни текшириш мақсадида зина орқали кўтарилаётган вақтда ўзини Дурдона Алиева деб таништирган шахс шаҳарга меҳмон бўлиб келганлиги учун адашиб қолганлигини ва Қорасув 3-дахаси 17-уй қаерда жойлашганлигини техник қўриқлаш пункти тезкор

ҳаракатланувчи гуруҳи сардори сафдор С. Г. Ортиқовдан сўради. Сафдор С. Г. Ортиқов эса Дурдона Алиевага ушбу манзилни қисқа тарзда тушунтириб берди ва ўз хизмат вазифасига кўра яна ҳаракатини давом эттирди.

Топшириқ.

1. Техник кўриқлаш пункти тезкор ҳаракатланувчи гуруҳи сардори сафдор С. Г. Ортиқовнинг ҳаракатлари тўғрими?

2. Бундай ҳолатда техник кўриқлаш пункти тезкор ҳаракатланувчи гуруҳи сардори сафдор С. Г. Ортиқов қандай ҳаракатларни амалга ошириши лозим?

6-масала. Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани Миллий банк филиалидан ғазначи Лобар Исроилова кўп миқдордаги пул суммани қабул қилиб олди ва кузатув кўриқлаш милиция наряди сафдор М. Л. Пўлатовга кузатув автоуловига қадар кўтаришга ёрдам беришини сўради. Кузатув кўриқлаш милиция наряди сафдор М. Л. Пўлатов ғазначи Лобар Исроилова аёл кишилиги сабабли кўп миқдордаги пул сумма тўлдирилган қопни кўтаришга қийналаётганлигини кўриб, инсонийлик ва ҳурмат юзасидан кузатув автоуловига қадар пул сумма тўлдирилган қопни кўтаришга ёрдамлашди.

Топшириқ.

1. Ушбу ҳолатда кузатув кўриқлаш милиция наряди сафдор М. Л. Пўлатовнинг ҳаракатлари тўғрими?

2. Кузатув кўриқлаш милиция наряди сафдор М. Л. Пўлатовнинг ҳаракатларига баҳо беринг.

7-масала. Моддий бойликларни (миллий ва хорижий валюталари) кузатиб борувчи кўриқлаш милиция наряди кузатувни амалга ошираётган вақтда автотранспорт воситаси техник жиҳатдан носоз ҳолатга келиб қолди.

Топшириқ.

1. Кўриқлаш хизмати ходимларининг қонуний ҳаракатлари кетма-кетлигини кўрсатинг.

2. Бундай ҳолатда кўриқлаш хизмати ходимлари томонидан расмийлаштириладиган ҳужжатларни айтинг.

12-мавзу. ҚЎРИҚЛАНАЁТГАН ОБЪЕКТЛАРГА КИРИШ-ЧИҚИШ ТАРТИБИН

8-масала. 2011 йилнинг 2 март куни соат 13⁰⁰ ларда қўриқланаётган объектга, яъни Юнусобод тумани жиноят ишлар бўйича судига фуқаро Раҳимов Анвар Акбарович келиб, суд раисига иш юзасидан келганлигини айтиб қўриқлаш хизмати ходимларига мурожаат қилди. Шунда қўриқлаш хизмати ходимлари фуқаро Раҳимов Анвар Акбаровичга суд биносига кириш мумкин эмаслигини маълум қилди.

Топшириқ.

1. Ушбу ҳолатда қўриқлаш хизмати ходимларининг ҳаракатлари тўғрими?

2. Агар ходимларнинг ҳаракатлари тўғри бўлса, уларнинг қонуний хатти-ҳаракатлари кетма-кетлигини кўрсатинг.

9-масала. Қўриқловга қабул қилинган Фарғона ёғ-мой комбинати ишчиси, Фарғона шаҳар, Оқайиқ кўчасида яшовчи фуқаро М.Шокиров, Қува тумани У. Юсупов кўчаси, 20-уйда яшовчи фуқаро А. Юлдашев билан ўзаро тил бириктириб, унга бириктирилган «ГАЗ-51» русумли автомашина цистернасида 3000 килограмм умумий қиймати 300 минг сўм бўлган совун суюқлигини олиб чиқиб кетишаётганида қўриқлаш хизмати ходимлари томонидан аниқланди.

Топшириқ.

1. Постдаги қўриқлаш хизмати ходимларининг қонуний ҳаракатларини кўрсатинг.

2. Ушбу ҳолатда ходимлар томонидан расмийлаштириладиган ҳужжатларни айтинг.

10-масала. Қўриқланаётган объектдан, яъни «Навоий азот» корхонасидан 2011 йилнинг 11 январь куни соат 18⁰⁰ ларда ҳеч бир ҳужжатсиз товар-моддий бойликларнинг фуқаро Н. Н. Искандаров томонидан олиб чиқиб кетилаётганлиги аниқланди.

Топшириқ.

1. Қўриқлаш хизмати ходимларининг қонуний ҳаракатлари кетма-кетлигини кўрсатинг.

2. Бундай ҳолатда кўриқлаш хизмати ходимлари томонидан расмийлаштириладиган ҳужжатларни айтинг.

14-мавзу. ҚЎРИҚЛАШ БЎЛИНМАЛАРИДА ТЕХНИК ҚЎРИҚЛАШ ПУНКТЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ АСОСЛАРИ

11-масала. Техник кўриқлаш пункти тезкор ҳаракатланувчи гуруҳи 2011 йилнинг 7 февраль куни кечки соат 19⁴⁰ да радиоалоқа воситаси орқали, Техник кўриқлаш пункти бошқарув пулти навбатчисидан зудлик билан омонат кассасига етиб бориши, кўриқланаётган объектда кўриқлаш «Ташвишгоҳи» ишлаб кетганлиги ҳақида хабар олди.

Топшириқ.

1. Ушбу ҳолат бўйича тезкор ҳаракатланувчи гуруҳнинг ҳаракатларини кўрсатинг.

2. Тезкор ҳаракатланувчи гуруҳи томонидан расмийлаштириладиган ҳужжатларни айтинг.

12-масала. 2011 йилнинг 10 январь куни фуқаро А. Алиевга тегишли бўлган «Бунёдкор» корхонаси Юнусобод тумани ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлими томонидан кўриқловга олинган эди. Ушбу корхона ҳудудида жойлашган «Юлдуз» озиқ-овқат дўкони А. Бердиевга ижарага берилган бўлиб, фуқаро А. Бердиев ушбу дўконни кўриқлаш хизматига топшириш мақсадида Юнусобод тумани ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлими бошлиғи номига ариза билан мурожаат қилди.

Топшириқ.

1. Фуқаро А. Бердиев томонидан ижарага олинган озиқ-овқат дўконини кўриқлашга олиш учун ушбу фуқаро билан шартнома тузиш мумкинми?

2. Агар мумкин бўлса, техник кўриқлаш пункти бошлиғи кичик сержант А. Н. Тўраевнинг қонуний ҳаракатларини кетма-кетликда кўрсатинг.

3. Бундай ҳолатда техник кўриқлаш пункти бошлиғи кичик сержант А. Н. Тўраев томонидан фуқаро А. Бердиевни озиқ-овқат

дўконини кўриқлашга олиш учун расмийлаштириладиган ҳужжатларни айтинг.

15-мавзу. ТЕХНИК ҚЎРИҚЛАШ ПУНКТЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛАР ХОНАДОНЛАРИНИ ҚЎРИҚЛАШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

13-масала. Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Аҳмад Дониш кўчаси, 45-хонадонда яшовчи, 1978 йилда туғилган фуқаро Аҳмедов Аброр Артикович ўз хонадонини кўриқлаш хизматиغا топшириш мақсадида туман ИИБга ариза билан мурожаат қилди.

Топшириқ.

1. Бундай ҳолатда туман ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлими техник кўриқлаш пункти бошлиғининг қонуний ҳаракатлари кетма-кетлигини кўрсатинг.

2. Фуқаро Аҳмедов Аброр Артиковичнинг хонадонини кўриқлашга қабул қилиш учун расмийлаштириладиган ҳужжатларни айтинг.

14-масала. 1-ҳолат: кўриқлашга қабул қилинган уйнинг эгаси фуқаро А. Н. Собиров 2011 йил 4 март куни хизмат сафари муносабати билан узоқ муддатга Самарқанд вилоятига кетмоқда. Фуқаро кетиш олдидан уйининг калитини Қўриқлаш бўлими техник кўриқлаш пунктига топшириб, уйда 30 кунлар бўлмаслигини маълум қилди.

2-ҳолат: орадан 5 кун ўтгандан сўнг ушбу хонадоннинг пултга бириктирилган рақамидан «ташвиш» хабари тушди. Фуқаро А. Н. Собировнинг ишончли одами А. А. Абдуллаев хонадондан хабар олганлиги учун келганлигини техник кўриқлаш пунктига қўнғироқ қилиб маълум қилди. Бундай ҳолат ишончли шахс А. А. Абдуллаев томонидан 5-6 мартаба такрорланди. Фуқаро А. Н. Собиров хизмат сафари тугагандан сўнг хонадонига келганида, хонадондаги барча моддий қийматга эга бўлган жиҳозлар йўқлиги маълум бўлди. Шундан сўнг фуқаро А. Н. Собиров Қўриқлаш бўлими устидан шикоят қилиб судга мурожаат қилди.

Топшириқ.

1. Биринчи ҳолатда кўриқлаш хизмати техник кўриқлаш пункти масъул ходимларининг қонуний ҳаракатларини кўрсатинг.

2. Иккинчи ҳолатда техник кўриқлаш пункти масъул ходимлари қандай тадбирларни амалга ошириши керак.

15-масала. Фуқаро А. А. Рашидов ўзининг яшаб турган хонадонининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, ўзи яшаб турган тумандаги ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлими техник кўриқлаш пунктига мурожаат қилди. Лекин фуқаро А. А. Рашидов яшаб турган жой туман ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлими техник кўриқлаш пунктидан 25 км узоқда жойлашган эди. Бу масофага транспорт воситасида етиб бориш учун 10 дақиқа керак бўлади.

Топшириқ.

1. Фуқаро А. А. Рашидовнинг хонадонини техник кўриқлаш пунктига кўриқлашга қабул қилиш мумкинми?

2. Агар мумкин бўлса, бу қандай тартибда амалга оширилишини кўрсатинг.

16-масала. 2013 йилнинг 29 март кунидан 30 март кунига ўтар кечаси соат 01⁰⁵ да Бўстонлик тумани Ғазалкент шаҳри Жамбул кўчасида жойлашган «Гулдар» номли хусусий ошхонанинг ташвишгоҳ воситаси ишлаб кетганлиги ҳақида Бўстонлик тумани Ғазалкент шаҳар ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлими 1-сонли техник кўриқлаш пунктига «ташвиш» хабари тушди.

Топшириқ.

1. Ушбу «ташвиш» хабари бўйича бошқарув пульти навбатчисининг ҳаракатлари кетма-кетлигини кўрсатинг.

2. Келиб тушган «ташвиш» хабари бўйича техник кўриқлаш пункти тезкор ҳаракатланувчи гуруҳнинг ҳаракатларини кўрсатинг.

17-мавзу. ҚЎРИҚЛАШ БЎЛИНМАСИ НАРЯДЛАРИНИНГ ИТЛАР БИЛАН ХИЗМАТ ЎТАШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

17-масала. 2012 йилнинг 1 декабрь куни соат 02⁰⁰ ларда кўриқланаётган объектдан «ташвиш» хабари келиб тушди. Бу хабар бўйича тезкор ҳаракатланувчи гуруҳи хизмат ити билан биргаликда

объектга етиб бориб, уни кўздан кечириш жараёнида объектга жиноятчилар томонидан тажовуз бўлганлиги ва объектда бегона шахсларнинг борлиги маълум бўлди.

Топшириқ. Ушбу ҳолатда хизмат ити бириктирилган ходимнинг қонуний ҳаракатлари кетма-кетлигини кўрсатиб беринг.

18-масала. Қўриқланаётган объектдан келиб тушган «ташвиш» хабари бўйича техник қўриқлаш пунктининг тезкор ҳаракатланувчи гуруҳи хизмат ити билан бирга воқеа жойига чиққач, объектда номаълум шахсларнинг борлиги маълум бўлди. Хизмат ити бириктирилган ходимнинг итни ҳуқуқбузарни ушлаш ҳақидаги буйруғига кўра хизмат ити ҳуқуқбузарни тишлаб, унга жароҳат етказган ҳолда унинг ҳаракатларини тўхтатди.

Топшириқ.

1. Хизмат ити ҳуқуқбузарга нисбатан жароҳат етказган тақдирда ходимнинг ҳаракатларини кўрсатинг.

2. Хизмат итини воқеа жойида қўллагандан кейин ходим томонидан расмийлаштириладиган ҳужжатларни айтинг.

**18-мавзу. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР
ОРГАНЛАРИ ҲУЗУРИДАГИ ҚЎРИҚЛАШ БЎЛИНМАЛАРИНИНГ
БАНК МУАССАСАЛАРИНИ ҚЎРИҚЛАШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
ТАРТИБИ**

19-масала. Қўриқлаш хизмати томонидан қўриқловга олинган Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги Ипотека банк биносига кириш мақсадида 2013 йил 14 февраль куни ушбу банкда пул омборларидаги бойликларнинг сақланишига масъул ҳисобланган бош бухгалтер бўлиб ишловчи фуқаро К. Ш. Сатторов хизмат гувоҳномасиз келди. Қўриқлаш хизмати ходимлари эса ушбу ходимни банкдаги пул омборларига киришига рухсат бермади.

Топшириқ. Ушбу ҳолат юзасидан қўриқлаш хизмати ходимларининг хатти-ҳаракатлари ва улар томонидан расмийлаштириладиган ҳужжатларни айтинг.

20-масала. 2013 йилнинг 14 март куни соат 2⁰⁰ лар чамасида Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Арча кўчасида жойлашган, қўриқлаш хизматига олинган Юнусобод «Миллий банки»га қўққисдан босқинчилар томонидан қуролли хужум амалга оширилди.

Топшириқ. Ушбу ҳолатда қўриқлаш хизмати ходимларининг ҳаракатлари кетма-кетлигини кўрсатинг.

20-мавзу. ЎТА МУҲИМ ВА ТОИФАЛАНГАН ОБЪЕКТЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ, МУДОФААСИ ҲАМДА ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ТАРТИБИ

21-масала. Ўта муҳим тоифаланган объектда взвод командири хизмат олиб бораётган вақтда объектда бегона шахсларнинг борлиги ҳақида тезкор хабар берилди.

Топшириқ. Бундай вазиятда қўриқлаш хизмати взвод командирининг қонуний ҳаракатлари кетма-кетлигини кўрсатиб беринг.

22-масала. 2013 йил 28 январь куни соат 4⁰⁰ лар чамасида Қарши шаҳар, Ўзбекистон кўчасидаги «Тонг» меҳмонхонаси рўпарасида жойлашган туман Миллий банкининг «Азия» филиали қўриқлаш хизмати ходими кичик сержант Б. Юнусов томонидан қўриқланаётган вақтда номаълум шахс яширин равишда банкнинг деразаларини синдириб, ўғрилик содир этади. Ўғирликдан хабар топган қўриқлаш бўлими милиционери кичик сержант Б. Юнусов уни тўхтатишга мажбур этади. Аммо мол-мулк хирсида ёнган тартиббузар ходимнинг қонуний талабига бўйсунмайди. Яккама-якка олишув бошланади. Милиционер Б. Юнусов унинг ҳаракатига қатъий қаршилик кўрсатади, қўлидаги пичоқни тортиб олади. Аламзада жиноятчи Б. Юнусовнинг табель қуролини эгалламоқчи бўлади. Б. Юнусов огоҳлантириш ўқини узсада у ўз ваҳшийлигидан қайтмайди. Милиционер сўнгги чорани қўллаб, уни ярадор қилишга мажбур бўлади ва жиноятчи қўлга олинади.

Топшириқ. Юқоридаги ҳолат бўйича кўриқлаш хизмати ходимининг ҳаракатлари қонуний амалга оширилганми? Агарда ҳаракатлари қонуний амалга оширилган бўлса изоҳлаб беринг.

23-масала. Навоий шаҳридаги тоифаланган объект, яъни «Навоий азот» корхонасида йўналишдаги кўриқлаш хизмати наряди хизмат вақтида, тунги соат 1³⁰ да хизмат жойидан 500 метр узоқликда кўриқланаётган объектнинг «ташвишгоҳ» сигнали ишлаб кетганлигини эшитди.

Топшириқ.

1. Ушбу ҳолат юзасида йўналишдаги кўриқлаш хизмати нарядларининг ҳаракатларини мантиқий кетма-кетликда айтиб беринг.

2. Йўналишдаги кўриқлаш хизмати нарядлари «ташвишгоҳ» сигнали ишлаб кетишининг сабабини қай тартибда аниқлайди?

23-мавзу. АЛОҲИДА ШАРОИТЛАРДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

24-масала. Кўриқлаш хизмати томонидан кўриқланаётган Ипотека банкининг назорат ўтиш жойида банкка мижоз сифатида кириш истагини билдирган шахсни текшириш жараёнида унинг ёнида қурол борлигини кўриқлаш ходими сафдор В. О. Гадов аниқлади.

Топшириқ. Кўриқлаш хизмати ходимларининг қонуний ҳаракатлари ва улар томонидан расмийлаштирилган ҳужжатларни айтинг.

25-масала. 2013 йилнинг 10 март куни соат 22⁰⁰ ларда кўриқланаётган объектда, яъни Юнусобод туманида жойлашган «Буюк ипак йўли» банкида постда хизмат олиб бораётган кўриқлаш хизмати наряди ходимлари алангани пайқаб қолди.

Топшириқ. Кўриқлаш хизмати наряди ходимларининг ҳаракатларини кетма-кетликда ифодалаб беринг.

**24-мавзу. ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ВА ЖИНОЯТ СОДИР
ЭТГАНЛИКДА ГУМОН ҚИЛИНАЁТГАН ШАХСЛАРНИ
УШЛАШ ҲАМДА УШЛАНГАН ШАХСЛАРНИ ИЧКИ ИШЛАР
ОРГАНЛАРИГА ОЛИБ КЕЛИШ ТАРТИБИ**

26-масала. Қўриқлаш хизмати томонидан қўриқланаётган ўта муҳим объект ёнига ташқи кўриниши ва алоҳида белгиларига кўра оғир турдаги жиноятни содир қилганликда гумонланиб қидирувда юрган шахснинг қўлида ҳеч нарса бўлмаган ҳолатда яқинлашиб келаётганлигини қўриқлаш ходими сафдор Р. Л. Набиев пайқаб қолди.

Топшириқ. Ушбу ҳолат бўйича қўриқлаш хизмати ходимларининг қонуний ҳаракатлари ва улар томонидан расмийлаштириладиган ҳужжатларни айтинг.

27-масала. Кўнгиллилар йўналишдаги қўриқлаш хизмати ходимларига Юнусобод тумани Зебо кўчаси 18-уй олдида нотаниш бир одам юз ва бош қисми жароҳатланган ҳолда ётганлиги ҳақида хабар бердилар.

Топшириқ. Ушбу ҳолат юзасидан қўриқлаш хизмати ходимларининг ҳаракатлари кетма-кетлигини кўрсатинг.

28-масала. 2013 йил 7 мартдан 8 мартга ўтар кечаси соат 02⁰⁰ ларда Юнусобод тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлимининг 1-техник қўриқлаш пункти томонидан қўриқланаётган Марказий универмагни текшириб юрган техник қўриқлаш пункти тезкор ҳаракатланувчи гуруҳи ходимлари сафдор А. А. Алимов ва милиционер ҳайдовчи сафдор Ш. Усмоновлар аравада юк олиб кетаётган икки номаълум шахсни шубҳаланиб тўхтатишди. Бу шахсларнинг шахсини аниқлаш мақсадида суриштирилганда, улар Юнусобод туманидаги 36-ўрта мактаб ошхонасидан 2 қоп ун, 10 кг шакар, 20 кг пахта ёғи ва 25 та пиёлани ўғирлаб олиб кетаётган А. Расулов ва О. Иминов исмли шахслар бўлиб чиқишди.

Топшириқ.

1. Қўриқлаш хизмати ходимларининг ҳаракатлари кетма-кетлигини кўрсатинг.

2. Қўриқлаш хизмати ходимлари томонидан расмийлаштирилладиган ҳужжатларни айтинг.

29-масала. 2013 йилнинг 22 январь куни соат 24⁰⁰ ларда қўриқлаш хизмати ходимлари тунги навбатчилик вақтида, ўзига тегишли бўлган ҳудудни кўздан кечираётиб саноат моллари дўкони эшигининг қулфи бузилганлигини кўрди. Айти шу вақтда икки номаълум шахс дўкон олдида ўралашиб, беркинишга уринаётган эдилар.

Топшириқ. Ушбу ҳолат юзасидан қўриқлаш хизмати ходимларининг қонуний ҳаракатлари кетма-кетлигини кўрсатинг.

30-масала. Йўналишда ёки постда хизматни олиб бораётган, ёхуд хизматдан ташқари вақтда бўлган қўриқлаш хизмати ходими соат 24⁰⁰ ларда жамодон кўтариб олган шубҳали шахсни пайқаб қолди.

Топшириқ. Ушбу ҳолат юзасидан постдаги қўриқлаш хизмати ходимининг қонуний ҳаракатлари кетма-кетлигини кўрсатинг.

31-масала. 2012 йил 15 феврал куни соат 19²⁰ларда Мирзо Улуғбек тумани Сайрам кўчасида жойлашган тоифаланган объект, яъни «Тошкент трактор заводи» деворидан номаълум бир шахс қўлида сумка билан ошиб тушаётган вақтда қўриқлаш хизмати ходимлари томонидан аниқланди.

Топшириқ.

1. Ушбу ҳолатда хизмат олиб бораётган қўриқлаш ходимларининг ҳаракатлари кетма-кетлигини кўрсатинг.

2. Ушбу ҳолат юзасидан қўриқлаш хизмати ходимлари томонидан расмийлаштирилладиган ҳужжатларни айтинг.

**25-мавзу. ПОРТЛАШ ХАВФИ БОР ПРЕДМЕТЛАР
АНИҚЛАНГАНИДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ
ХОДИМЛАРИНИНГ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ
ЧОРАЛАРИНИ КЎРИШ БЎЙИЧА ТАКТИК ҲАРАКАТЛАРИ**

32-масала. 1-ҳолат: қўриқланаётган объектда, яъни «Аму-занг-2» насос қурилмаси техник ходимлари ҳудудда хизмат олиб бораётган қўриқлаш хизмати ходимларига икки номаълум шахс машина бўлинмасидаги двигателлар орасига ниманидир қўйиб кетганлиги ҳақида хабар берди.

2-ҳолат: қўриқловга олинган ўта муҳим тоифаланган объектда кутилмаганда портлаш содир бўлди ёки портловчи моддалар борлигини пайқаб қолди.

Топшириқ. Бундай вазиятда қўриқлаш хизмати ходимлари томонидан амалга ошириладиган тадбирларни айтинг.

33-масала. Қўриқлаш хизмати томонидан қўриқланаётган объект биносининг кириш йўлагига шубҳали ашёлар (дипломат, қути, жамодон, пакет, сумка ва бошқ.) борлиги ҳақида қўриқлаш ходими сафдор М. Т. Тўраев пайқаб қолди.

Топшириқ. Қўриқлаш хизмати ходимларининг қонуний ҳаракатлари кетма-кетлигини кўрсатинг.

34-масала. Қўриқлаш хизмати томонидан қўриқланаётган объектнинг назорат ўтиш жойига яқинлашиб келаётган гумондор шахснинг қўлида шубҳали (сумка, пакет ёки қоғозга ўралган бирор нарса) буюм борлиги ҳақида қўриқлаш ходими сафдор М. Т. Сафаров пайқаб қолди.

Топшириқ. Қўриқлаш хизмати ходимларининг қонуний ҳаракатлари кетма-кетлигини кўрсатинг.

35-масала. Қўриқлаш хизмати томонидан қўриқланаётган объект биносининг олдида шубҳали автоулов борлиги ҳақида қўриқлаш ходими сафдор М. Т. Асқаров пайқаб қолди.

Топшириқ. Қўриқлаш хизмати ходимларининг қонуний ҳаракатлари кетма-кетлигини кўрсатинг.

36-масала. Қўриқлаш хизмати томонидан қўриқланаётган объектнинг ишлаб чиқариш техникаларида носозлик туфайли портлаш содир бўлди, қўриқланаётган объект биносида жабрланган шахслар борлиги ҳақида қўриқлаш ходими кичик сержант Д. В. Рашидовга хабар келиб тушди.

Топшириқ. Қўриқлаш хизмати ходимларининг қонуний ҳаракатлари кетма-кетлигини кўрсатинг.

ЖАВОБЛАР

1-масаланинг жавоби:

1. Мазкур ҳолат юзасидан кўриқлаш хизматининг қонуний ҳаракатлари қуйидагича:

– бундай вақтда шартнома шартлари бузилган деб ҳисобланади;
– одатда, ҳар бир шартномада жавобгарлик келишилган шартларнинг бирини бажармаган томонга нисбатан жарима, пеня кўринишидаги санкция билан ифодаланади;

– чунончи, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 15 декабрдаги фармойиши билан тасдиқланган «Намунавий шартнома»нинг 7-бандида хўжалик идорасининг жавобгарлиги тўғрисида қуйидаги ҳолат белгиланган: кўриқлаш хизматига ўз вақтида хизмат ҳақи тўламаган идора ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган сумманинг 5 фоиз миқдориде жарима тўлаши кераклиги белгилаб қўйилган.

2. Бу масала қонуний тартибда қуйидагича ҳал қилинади:

– бунда Юнусобод тумани ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлими юридик шахс сифатида Юнусобод тумани Миллий банкдан кўрсатилган хизмат учун белгиланган суммани ундириб олиш мақсадида туман хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат этади ва керакли барча ҳужжатларни тақдим этади;

– кўриқлаш шартномасида етказилган зарарни ундириш учун зарар кўрган Юнусобод тумани ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлими, айнан мажбурият бузилганлиги натижасида зарар етказилганлигини, етказилган зарарнинг миқдорини ҳамда бунда Юнусобод тумани Миллий банкнинг айби борлигини тасдиқловчи тегишли барча ҳужжатлар асосида исботлаб бериши лозим бўлади.

2-масаланинг жавоби:

1. Кўриқлаш вақтини тўғри ва аниқ ҳисоблаш учун бир постнинг бир ойлик вақтини аниқлаб олиш зарур бўлади, бунинг учун қуйидаги амалларни бажарамиз:

– ўртача ойлик иш вақти меъёрини топиб олишимиз керак, бунда бир йил 365 кун, бир сутка 24 соат ва бир йил 12 ойдан иборатлигини

инобатга олган ҳолда 365 кунни 24 соатга кўпайтириб, 12 ойга бўлинади.

Бу қуйидаги кўринишда бўлади: $365 \times 24 / 12 = 730$.

Демак, бир ойда ўртача иш вақти меъёри 730 соатни ташкил этар экан.

Бунда тушунарли бўлиши учун постлар вақти ҳар хил бўлганлиги сабабли ҳар бир пост бўйича ўртача бир ойлик кўриқлаш вақтини топиб оламиз, яъни 730 соатни 24 соатга бўлиб, керакли пост соатига кўпайтирамиз. Жумладан:

– $730 \text{соат} / 24 \text{соат} \times 8 \text{соат} = 243 \text{соат}$;

– $730 \text{соат} / 24 \text{соат} \times 12 \text{соат} = 365 \text{соат}$;

– $730 \text{соат} / 24 \text{соат} \times 16 \text{соат} = 487 \text{соат}$.

2. Бизга пост/соат нархи аниқ бўлганлиги сабабли ҳар бир пост учун ҳисоблаб топилган ўртача бир ойлик кўриқлаш вақтини пост/соат нархига кўпайтирамиз ва бу қуйидагича:

Кўриқлаш тури	Пост сони	Кўриқлаш вақти	Бир ойлик кўриқлаш вақти	Кўриқлаш пост/соат нархи	Кўриқлаш учун бир ойлик харажатлар ҳисоби
Милиция	1	8 соат	243 соат	12 159 сўм	$1 \times 243 \times 12\ 159 = 2\ 954\ 637 \text{сўм}$
	1	12 соат	365 соат	12 159 сўм	$1 \times 365 \times 12\ 159 = 4\ 438\ 035 \text{сўм}$
	1	16 соат	487 соат	12 159 сўм	$1 \times 486 \times 12\ 159 = 5\ 921\ 433 \text{сўм}$
	1	24 соат	730 соат	12 159 сўм	$1 \times 730 \times 12\ 159 = 8\ 876\ 070 \text{сўм}$

3-масаланинг жавоби:

1. Хизматга тушаётган саф бўлинма ходимларининг ташқи кўриниши бекаму кўст мавсумий хизмат кийимида ҳамда белгиланган анжом-аслаҳа билан тўлиқ жиҳозланган бўлишини кўздан кечиради. Шунингдек, саф бўлинма ходимларининг ёнида қуйидагилар бўлиши шарт:

– хизмат гувоҳномаси;

– касб маданияти;

– иккита тўлиқ ўқланган ўқдони бўлган табель куроли;

- радиоалоқа воситаси;
- резина таёқчаси;
- электр фонари;
- хуштак;
- тиббий бинт.

Бундан ташқари, йўналишдаги қўриқлаш милиция ходимида:

- хизмат китобчаси;
- йўналиш чизмаси;
- хизмат сумкаси (планшет) бўлишини текширади.

2. Ушбу ҳолатда қуйидаги ҳужжатлар расмийлаштирилади:

– қўриқлаш саф бўлинмалари ходимларининг (постга, йўналишга, кузатувга ва бошқа) хизматга чиқиш тақсимоти хизматга тарқатиш китоби орқали расмийлаштирилади;

– қўриқлаш саф бўлинма ходимларининг хизматга тайёргарлик ҳолати бўйича қўриқлаш бўлими бошлиғига билдирги орқали ахборот беради.

4-масаланинг жавоби:

1. Текширув давомида қуйидагиларга эътибор бериш талаб этилади:

– қўриқланаётган объектлар пост жойлашувига мувофиқ равишда шахсий таркиб ва техник воситалар жойлаштирилиши ҳамда улардан тўғри фойдаланиш;

– қўриқлаш нарядларига йўриқноманинг ўтказилишининг сифати;

– нарядларни бошқаришнинг аниқлиги ва тезкорлиги, уларга тезкор вазиятдаги ўзгаришлар ҳақидаги маълумотлар ўз вақтида етказилиши;

– милиция нарядлари томонидан хизмат ўталишининг сифати ва уларнинг жиноятчиликка қарши курашдаги фаолияти;

– қўриқлаш нарядларининг қонунчиликка ва интизомга риоя этиши;

– хизмат ҳужжатларининг тўғри расмийлаштирилганлиги ва юритилганлиги;

– милиция нарядларининг касбий тайёргарлиги ва ўз бурчларини, шаҳар, туман, йўналиш, пост ҳудудидаги тезкор вазиятни билиш даражаси, «ташвиш» хабари бўйича қўриқланаётган объектга етиб

келиш вақтидаги ва объектларни текширишдаги ҳаракатининг тўғрилиги;

– қўриқлаш милиция нарядларининг ҳарбийлаштирилган соқчилар билан ўзаро ҳамкорлик ҳолати.

2. Ушбу ҳолатда қуйидаги ҳужжатлар расмийлаштирилади:

– қўриқлаш саф бўлинмалари ходимларининг ҳолати бўйича ушбу объектдаги «Ходимларнинг хизмат ўташини текшириш китоби»га маълумотлар киритилади;

– Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими 1-взвод командири кичик сержант А. Т. Равшанов хизмат якунида текширув натижалари бўйича қўриқлаш бўлими бошлиғига билдирги орқали ахборот беради.

5-масаланинг жавоби:

1. Техник қўриқлаш пункти тезкор ҳаракатланувчи гуруҳи сардори сафдор С. Г. Ортиқовнинг ҳаракатлари нотўғри. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг «Қўриқлаш саф бўлинмалари томонидан объектлар ва фуқаролар хонадонларини қўриғини таъминлаш ҳақидаги Йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги 2011 йил 27 июнь 91-сонли буйруғининг 56-бандига асосан техник қўриқлаш пункти тезкор ҳаракатланувчи гуруҳи аъзолари «ташвиш» хабари бўйича ҳаракатланаётган вақт давомида ўткинчи шахсларнинг саволига жавоб бериши тақиқланади.

2. Бундай ҳолатда техник қўриқлаш пункти тезкор ҳаракатланувчи гуруҳи сардори сафдор С. Г. Ортиқов Қорасув 3-дахаси, 14-уй, 8-хонадонининг «ташвиш» хабарига аниқлик киритмагунга қадар гумонланувчи шахс сифатида Дурдона Алиевани вақтинчалик ушлаб туриши лозим эди.

6-масаланинг жавоби:

1. Кузатув қўриқлаш милиция наряди сафдор М. Л. Пўлатовнинг ҳаракатлари нотўғри. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг «Қўриқлаш саф бўлинмалари томонидан объектлар ва фуқаролар хонадонларининг қўриғини таъминлаш ҳақидаги йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги 2012 йил 27 июнь 91-сонли буйруғининг 73-бандига асосан кузатув қўриқлаш милиция нарядларига хизмат ўташ

жараёнида кузатилиб борилаётган моддий товар бойликларини қабул қилиб олиш, топшириш, санаш, очиб кўриш ва олиб юришлари тақиқланган.

2. Қўриқлаш милиция наряди сафдор М. Л. Пўлатов ғазначи Лобар Исроиловага нисбатан инсонийлик ва ҳурмат юзасидан қилинган ёрдами натижасида кузатув қўриқлаш милиция наряди сафдор М. Л. Пўлатов зиммасига юклатилган хизмат вазифаси, яъни кузатиб борилаётган моддий товар бойликларини қўриқлаш, дахлсизлигини таъминлаш, кузатувдаги ғазначилар, автотранспорт воситасига бўладиган тажовузларнинг олдини олиш борасида чоратадбирларини амалга оширишга жиддий тўсқинлик қилади. Шу сабабли кузатув қўриқлаш милиция наряди сафдор М. Л. Пўлатов ғазначи Лобар Исроиловага кўмаклашмасдан хизмат вазифаларидан оғишмай ҳушёрликда хизматини давом эттириш лозим эди.

7-масаланинг жавоби:

– кузатув хизмати ходимлари бу ҳақда қўриқлаш бошқармаси (бўлим) бошлиғи ва саф бўлинмаси командирига хабар беради;

– автотранспорт воситаси алмаштирилгунга қадар ғазначини, моддий товар бойликларини қўриқлашни кучайтиради ва унинг ташлаб кетилишига йўл қўймайди;

– кузатув хизмати ходими моддий товар бойликларининг кузатуви давомида автотранспорт воситасининг эшиклари қулфланган, ойналари ёпилган ҳолда бўлишини ҳайдовчи ва ғазначи шахслар томонидан бажарилишини талаб қилади;

– ҳолат бўйича ҳудудий ИИБ бошлиғига ва қўриқлаш бўлими бошлиғига билдирги орқали ахборот беради.

8-масаланинг жавоби:

1. Ушбу ҳолатда қўриқлаш хизмати ходимларининг ҳаракатлари тўғри амалга оширилган.

2. Яъни, қўриқлаш хизмати ходимлари биринчи навбатда фуқаро Раҳимов Анвар Акбарович билан хушмуомалалик асосида уни тегишли тартибда қабул қилиб, кимга нима масала юзасидан ва нима мақсадда келганлигини аниқлаши лозим.

Албатта, бу ерда суд биносига кириш-чиқиш тартибига риоя қилган ҳолда ҳаракатларни амалга ошириш керак. Суд биносига кириш-чиқиш тартиби суд раиси ва қўриқлаш бўлими бошлиғи томонидан келишилган ҳамда тасдиқланган йўриқномада аниқ кўрсатиб қўйилган бўлади.

Фуқаро Раҳимов Анвар Акбарович соат 13⁰⁰ да келганлиги, яъни бу вақтда суд раисининг қабул вақти тугаганлиги ёки суд раисининг ушбу фуқарони киритмаслик ҳақидаги берган кўрсатмасига асосан уни объектга киритиш мумкин эмас.

9-масаланинг жавоби:

1. Ҳолат бўйича объектдаги наряд бошлиғига ёки қоровул бошлиғига радиоалоқа воситаси орқали хабар беради. Ҳуқуқбузарларнинг шахсини аниқлаш бўйича тадбирларни амалга оширади.

Ашёвий далиллар, транспорт воситаси ҳамда ҳуқуқбузарларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини талаб қилиб олади. Шунингдек, бу ҳақда объект раҳбарини ҳам огоҳлантириб воқеа жойига чақиртиради.

2. Ушбу ҳолат бўйича қуйидаги ҳужжатлар расмийлаштирилади:

– фуқаро М. Шокиров ва А. Юлдашевлардан ҳолат бўйича тушунтириш хатлари олинади;

– ашёвий далил объектнинг омборига топширилиб, миқдори ва нархи тўғрисида маълумотнома олинади;

– 2 (икки) нафар холис жалб қилиниб, ашёвий далилни олиш ҳақида баённома тузилади;

– холислардан ҳолат бўйича тушунтириш хатлари олинади;

– туман, шаҳар ИИБ бошлиғи номига билдирги билан ахборот берилади;

– фуқаро М. Шокиров ва А. Юлдашевларни туман, шаҳар ИИБ навбатчилик қисмига олиб келиб рўйхатдан ўтказилади;

– фуқаро М. Шокиров ва А. Юлдашевларга нисбатан маъмурий баённома тузилади, ёхуд ашёвий далилнинг миқдори энг кам иш ҳақининг беш баробаридан ошадиган бўлса тўпланган ҳужжатларни жиноят иши қўзғатиш учун туман, шаҳар ИИБ тергов бўлимига топширилади.

10-масаланинг жавоби:

1. Постда турган кўриқлаш хизмати ходимлари ҳолат бўйича наряд бошлиғига, ўзининг тўғридан-тўғри бошлиғига ҳамда объект раҳбарига зудлик билан хабар беради. Олиб чиқиладиган товар-моддий бойликлар ўша вақтнинг ўзида олиб кўйилади.

2. Ушбу ҳолатда қуйидаги ҳужжатлар расмийлаштирилади:

- фуқаро Н. Н. Искандаровдан тушунтириш хати олинади;
- олиб кўйилган товар-моддий бойликлар омборхонага қайтарилади ва у ердан нарх-наво кўрсатилган маълумотнома олинади;
- туман-шаҳар ИИБ бошлиғи номига билдирги ёзилади;
- 2 (икки) нафар холис иштирокида баённома ёки далолатнома тузилади;
- икки холиسدан тушунтириш хати олинади.
- маъмурий баённома тўлдирилади;
- ҳуқуқбузарни туман-шаҳар ИИБ навбатчилик қисмига олиб келиб рўйхатдан ўтказиш китобига киритилади;
- тўпланган ҳужжатлар рўйхатдан ўтказилиб кўриб чиқиш учун судга юборилади.

11-масаланинг жавоби:

– дарҳол омонат кассасига етиб бориб эшик ва деразаларнинг бутунлигини текширади;

– агар жиноятчининг бошқа (эшик ва деразалар бузилганлиги) аломатлари аниқланган бўлса дарҳол ҳудудий ИИБ навбатчилик қисмига ахборот беради;

– тезкор ҳаракатланувчи гуруҳи бошлиғи эса шахсий эҳтиёткорлик чорасини кўрган ҳолда 2 нафар тезкор ҳаракатланувчи гуруҳи ходимини жиноятчининг қочиши, беркиниши мумкин бўлган жойларга қўяди;

– қўлга олиш ва тезкор-тергов гуруҳининг етиб келишини кутади;

– атрофдаги кўча ва уйларни кўздан кечиради ва доимо тезкор навбатчи билан алоқада бўлади;

– воқеа содир бўлган жойни кўриқлаш вақтида моддий-товар бойликларни, пулларни, қимматбаҳо қоғозларни, очиқ сейфларни, ўқ изларини, қонга ўхшаган доғларни, бармоқ изларини кўриқлайди;

– шахсий эҳтиёткорликни ҳисобга олган ҳолда жиноятчиларни қўлга олади ва ҳудудий ИИБ навбатчисига хабар беради, жиноятчи қаршилиқ кўрсатса самбо ва қўл жанги усулларини қўллайди ва лозим бўлса табель қуролидан фойдаланади;

– агарда «ташвишгоҳ» сигнали техник носозлик туфайли ишлаб кетган бўлса, у ҳолда ҳудудий ИИБ навбатчилик қисмига хабар беради.

12-масаланинг жавоби:

1. Ушбу ҳолатда фуқаро А. Бердиев билан кўриқлаш шартномасини тузиш мумкин эмас, чунки «кўриқлаш шартномаси» икки томонлама шартномалар турига киради. Ушбу ҳолатда фуқаро А. Бердиев учинчи томон бўлиб қолмоқда, шу боис А. Бердиев билан шартнома тузилмайди.

2. Техник кўриқлаш пункти бошлиғи кичик сержант А. Н. Тўраевнинг қонуний ҳаракатлари қуйидагича:

– бундай ҳолатда «Бунёдкор» корхонаси А. Алиев билан қўшимча шартнома тузиши мумкин;

– «ХАСАН-ООО» корхонаси ушбу дўконни кўриқловга олиш ҳақида кўриқлаш бўлимига хат билан мурожаат этади ва мавжуд шартномага қўшимча ўзгартириш киритиш орқали кўриқловга олинади;

– бунда «Бунёдкор» корхонасидан келган хатга асосан кўриқлаш хизмати мутахассислари юқоридаги дўконга бориб, унинг техник мустаҳкамлик даражасини ўрганиб чиқади.

3. Бундай ҳолатда техник кўриқлаш пункти бошлиғи кичик сержант А.Н. Тўраев томонидан фуқаро А. Бердиевнинг озиқ-овқат дўконини кўриқлашга олиш учун қуйидаги ҳужжатлар расмийлаштирилади:

– дўконнинг техник мустаҳкамлик даражаси тўғрисидаги далолатнома;

– дўконни кўриқлаш ва ёнғиндан огоҳлантирувчи сигнализация воситалари билан таъминланганлик даражаси тўғрисидаги далолатнома;

– дўкондаги мавжуд камчиликларнинг бартараф этилганлиги тўғрисидаги далолатнома;

– «ХАСАН-ООО» корхонаси билан аввал тузилган шартномага ўзгартириш киритилади;

– «ХАСАН-ООО» корхонасидаги ушбу дўконни кўриқлаш бўйича «кўриқлаш шартномаси» тузилади.

13-масаланинг жавоби:

1. Бундай ҳолатда техник қўриқлаш пункти бошлиғининг қонуний ҳаракатлари қуйидагича:

– фуқаро Ахмедов Аброр Артиковичдан қўриқлаш бошқармаси бошлиғи номига хонадонни қўриқлашга қабул қилиш ҳақида илтимоси баён этилган ариза олади;

– техник қўриқлаш пункти бошлиғи қўриқлаш хизмати томонидан кўрсатиладиган хизмат шартлари билан фуқаро Ахмедов Аброр Артиковични таништиради;

– ушбу аризага асосан техник қўриқлаш пункти бошлиғи мутахассислар билан биргаликда ушбу хонадонни синчковлик билан ўрганиб чиқади;

– техник қўриқлаш пункти бошлиғи ва мутахассислар хонадонни ўрганиб чиққач, қўриқлаш ёнғиндан огоҳлантирувчи сигнализация воситалари электромонтёр томонидан ўрнатилади, сигнализация воситаларига кетган харажатлар фуқаро А. А. Ахмедов томонидан қопланади.

2. Фуқаро А. А. Ахмедовнинг хонадонини қўриқлашга қабул қилиш учун қуйидаги ҳужжатлар расмийлаштирилади:

– хонадонни қўриқлашга топшириш тўғрисида фуқаронинг аризаси;

– хонадоннинг техник мустаҳкамлиги тўғрисида далолатнома;

– фуқаро билан қўриқлаш бўлими ўртасида шартнома;

– хонадонни қўриқлашга қабул қилиш ҳақида далолатнома.

14-масаланинг жавоби:

1. Бундай ҳолатда фуқаро А. Н. Собиров узоқ муддатга кетаётганлигини маълум қилгандан сўнг техник қўриқлаш пункти масъул ходимлари, яъни бошқарув пулти навбатчиси техник қўриқлаш пунктида мавжуд бўлган «Хонадон эгаларидан калитларни қабул қилиш ва топшириш» ва «Техник қўриқлаш пунктига узоқ муддатга қўриққа олинган фуқаролар хонадонлари ҳисоби» журналларига расмийлаштириши керак.

Хонадондан тушган ҳар бир «ташвиш» хабарини бошқарув пулти навбатчиси юқоридаги журналга қайд этиб боради.

2. Агар ушбу хонадондан «ташвиш» хабари тушганда тезкор ҳаракатланувчи гуруҳи объектга бориб, ишончли шахсни чақиртириб

иккита холис иштирокида хонадонни очиб, ташвиш хабарининг ишлаб кетиш сабабини аниқлайди.

Хонадоннинг очилганлиги ҳақида икки нусхада далолатнома тузади. Биттаси хонадонда, иккинчиси қўриқлаш бўлимида сақланади.

15-масаланинг жавоби:

1. Фуқаро А.А. Рашидовнинг хонадонини техник қўриқлаш пунктига қабул қилиб бўлмайди.

2. Сабаби, фуқароларнинг хонадонларини техник қўриқлаш пунктига қабул қилишда қўриқлашга қабул қилинаётган хонадонга қўриқлаш хизмати мутахассислари бориб, ҳар томонлама ўрганиб чиқади, яъни ушбу хонадон қаерда жойлашганлиги, унинг техник мустаҳкамлик даражаси, хонадонга қанча вақтда етиб борилиши ўрганиб чиқилади. Яъни, 3–5 дақиқа ичида етиб бориш имконияти бўлиш керак.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2007 йил 11 декбрдаги «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари қўриқлаш бўлинмалари ҳузуридаги техник қўриқлаш пунктлари хизмат фаолиятини ташкиллаштириш чора-тадбирлари ҳақида»ги 224-сонли буйруғи талабларидан келиб чиқадиган бўлсак, қўриқланаётган объект (фуқаролар хонадонлари)дан «ташвиш» хабари келиб тушгандан сўнг техник қўриқлаш пункти тезкор ҳаракатланувчи гуруҳи ушбу объектга 3–5 дақиқа ичида етиб бориши кўрсатилган.

Шундай экан, агар қўриқланаётган объектдан ташвиш хабари тушгандан сўнг кўрсатилган вақт ичида етиб борилмаса ушбу объектда жинойт содир этилиши мумкин.

Агар бу имконият бўлмаса ушбу хонадон қўриқлашга қабул қилинмайди. Бундай ҳолатда фуқарога ўзи яшаб турган жойга яқин қўриқлаш хизматига бориб мурожаат қилиш тавсия этилади.

16-масаланинг жавоби:

1. Бўстонлик тумани Ғазалкент шаҳар ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими 1-сонли техник қўриқлаш пунктига келиб тушган «ташвиш» хабари бўйича бошқарув пульти навбатчиси қуйидаги ҳаракатларни амалга оширади:

– «ташвиш» хабари қайси объектдан тушганлигини аниқлайди;

– ушбу «ташвиш» хабарини зудлик билан техник кўриқлаш пунктининг тезкор ҳаракатланувчи гуруҳига етказди;

– бу ҳақда техник кўриқлаш пунктида юритиладиган «Аппарат журнали»га қайд қилиб кўяди. Бошқарув пулти навбатчиси объектни кўриқловга қайта олинишига қадар тезкор ҳаракатланувчи гуруҳи билан доимий алоқада бўлади ва бу ҳақда «Аппарат журнали»га белгилайди.

2. Келиб тушган «ташвиш» хабари бўйича техник кўриқлаш пункти тезкор ҳаракатланувчи гуруҳнинг ҳаракатлари қуйидагича:

– техник кўриқлаш пунктининг тезкор ҳаракатланувчи гуруҳи ушбу хабарни қабул қилиб олгач, зудлик билан махсус автотранспорт воситаси орқали техник кўриқлаш пунктидан чиқиб кетади;

– техник кўриқлаш пункти тезкор ҳаракатланувчи гуруҳи автотранспорт воситаси ёрдамида 3–5 дақиқа ичида йўл ҳаракатлари қоидаларига риоя қилган ҳолда «ташвиш» хабари тушган объектга, яъни Бўстонлик тумани Ғазалкент шаҳри Жамбул кўчасида жойлашган «Гулдар» номли хусусий ошхонасига етиб боради;

– «ташвиш» хабари тушган объектга етиб боргандан сўнг милиционер ҳайдовчи транспорт воситасини объектга яқинлаштирмасдан, объектни назорат қилишга қулай бўлган жойга тўхтатади;

– милиционер ҳайдовчи транспорт воситасининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида транспорт воситасининг ёнида қолади;

– тезкор ҳаракатланувчи гуруҳнинг милиционер ходимлари томонидан объект синчковлик билан кўздан кечирилади, яъни объектнинг эшиклари, деразалари, ойналарнинг синган-синмаганлиги, қулфлар бутлиги, улардаги муҳрларнинг ҳолатлари диққат билан текширилади ҳамда ташвиш хабарининг ишлаб кетиш сабабини аниқлайди;

– техник кўриқлаш пунктига радиоалоқа воситаси орқали объектда кўриқлаш сигнализация воситаларининг ишлаб кетиш сабабларини «шифр» кодлари ёрдамида хабар беради;

– тезкор ҳаракатланувчи гуруҳ ҳолат бўйича воқеа жойига чиққанлиги тўғрисида техник кўриқлаш пунктидаги «Борт журнали»га қайд қилади.

17-масаланинг жавоби:

– итни қўйиб юборишдан олдин ходим «Тўхта!», «Итни қўйиб юбораман!» деб огоҳлантиради;

– хизмат итини қўйиб юборишдан олдин ходим итни бошқа кишиларга зарар етказмаслигига ишонч ҳосил қилиб, агар қўриқлаш хизмати ходими билан жинойтчи ўртасида одамлар бўлса, уни тутиш учун итни қўйиб юбориб бўлмайди;

– қонунбузарларни аниқлаш ва ушлаш мақсадида итни объект ичига ва атрофига қўйиб юборади, ўзи эса тўсатдан ҳамла қилинишига қарши эҳтиёт чораларини кўради;

– объектнинг алоҳида жойлари ва хоналарини кўздан кечириш вақтида хизмат итини бўйинбоғичсиз ва тумшукбоғичсиз қўйиб юборади. Бунда фақат ходим имкон қадар итни назардан қочирмаслиги керак;

– ушланган шахсларни тинтув қилиш ёки ҳужжатларини текшириш вақтида хизмат итини ушланган шахслардан 2–3 метр узоқликда тумшукбоғлагичсиз «Қўриқла!» буйруғини берган ҳолатда туради;

– ушланган шахсни автомашинада ёки бошқа турдаги транспорт воситасида олиб боришда қўриқлаш хизмати ходими хизмат ити билан ушланган шахсни кузатиш қулай бўлган, агар шахс қочишга ёхуд ходимга ҳужум қилишга ҳаракат қилса, дарҳол итни ишга солиш имконини берадиган ўринга жойлашиб олади.

18-масаланинг жавоби:

1. Жинойтчини ушлаш вақтида ходим унинг барча ҳаракатларини олдиндан кўра билиши ва уни ушлаб, қуролсизлантириш учун тез ва қатъий ҳаракатни амалга оширади;

– ушланаётган шахсни хизмат ити тишлаб, жароҳат етказса ходим унга биринчи тиббий ёрдамни кўрсатиши керак. Бунда хизмат ити «Қўриқла!» командаси бўйича улардан 1–2 метр нарида туриши керак.

2. Хизмат итини воқеа жойида қўллаганлик ҳақида қуйидаги ҳужжатлар расмийлаштирилади:

– ходим хизмат итидан қонунбузарни тутишда фойдаланилган барча ҳолатлар тўғрисида ИИБ бошлиғига билдирги орқали ахборот беради;

- хизмат итини қўллаганлиги тўғрисида далолатнома тузади;
- хизмат итининг иш натижалари бўйича маълумотнома тузади;
- хизмат итини олиб чиққанлик тўғрисида «Воқеа содир этилган жойга чиқиш китоби»дан қайддан ўтказди.

19-масаланинг жавоби:

– кўриқлаш хизмати ходимларининг ҳаракатлари тўғри. Чунки, ушбу ҳолат Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ўзбекистон Республикаси Марказий банк бошқарувининг 2010 йил 5 июндаги 12,21/7-сонли «Банк ва уларнинг филиалларини ички ишлар органлари ҳузуридаги кўриқлаш бўлинмалари томонидан кўриқлашни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қўшма қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси ИИБнинг 2011 йил 27 июндаги 91-сонли «Кўриқлаш саф бўлинмалари томонидан объектлар ва фуқаролар хонадонларининг кўриғини таъминлаш ҳақидаги йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи орқали мустаҳкамлаб қўйилган;

– ушбу ҳолат ҳақида кўриқлаш бўлими ходимлари бўлим бошлиғига билдирги орқали ахборот беради.

20-масаланинг жавоби:

– банкка ҳужум қилинган вақтда кўриқлаш наряди ҳамда банк ходимлари томонидан ўрнатилган «ташвиш» тугмачаси ёки бошқа усуллар орқали туман (шаҳар) ИИБнинг навбатчилик қисмига зудлик билан хабар беради;

– кўриқлаш наряди томонидан ҳужумни бартараф қилиш ва банкнинг кўриқланишини кучайтириш юзасидан чора-тадбирлар амалга оширилади;

– кўриқлаш наряди томонидан банк биноси ичкарасида бўлган шахслардан хатти-ҳаракатларини тўхтатиш талаб қилинади, бинога кириш ва чиқиш тўхтатиб қўйилади, шунингдек, пул омборлари ва амалиёт кассаларини назорат қилиш кучайтирилади;

– банк ходимлари томонидан «ташвиш» хабари бўйича касса операциялари тўхтатилади ва барча бойликлар пул омборларига солиб қулфланади, ушбу калитлар эса жинойтчилар топа олмайдиган жойларга беркитиб қўйилади;

– ёнғин (табийий офат) содир бўлган ҳолатда, кўриқлаш наряди ва банк ходимлари томонидан бу ҳақда туман (шаҳар) ИИБнинг тезкор навбатчисига ва ёнғин хавфсизлиги хизматига, лозим бўлса банкнинг раҳбари ёки унинг ўринбосарларига маълум қилинади, шунингдек, пул маблағлари ва моддий бойликларни қутқариш юзасидан чора-тадбирлар амалга оширилади.

21-масаланинг жавоби:

– кўриқлаш наряди томонидан объект ичида бўлган шахслардан хатти-ҳаракатларини тўхтатишни талаб қилади, объектга кириш ва чиқиш тўхтатиб қўйилади, шунингдек, режимли хоналарни назорат қилиш кучайтирилади;

– ўта муҳим тоифаланган объектда бегона шахсларнинг борлиги аниқланган вақтда взвод командири ҳамда объект ходимлари томонидан сигнализация воситалари ёки бошқа усуллар орқали туман (шаҳар) ИИБнинг навбатчилик қисмига зудлик билан «ташвиш» хабарини беради;

– бир вақтнинг ўзида кўриқлаш наряди томонидан бегона шахсларни қидириб топиш, уларни ушлаш ва объектнинг кўриқланишини кучайтириш юзасидан чора-тадбирлар амалга оширилади;

– объектнинг кадрлар бўлими билан биргаликда, объектнинг ҳар бир ҳудуд ва биноларида текширувларни ўтказди.

22-масаланинг жавоби:

Ҳолат бўйича кўриқлаш хизмати ходимининг ҳаракатлари қонуний амалга оширилган. Яъни, ходим ҳуқуқбузардан содир этаётган ҳаракатларини тўхтатишни талаб қилган, ҳуқуқбузар милиционернинг қонуний талабларига бўйсунмай, унга ҳатто қаршилик кўрсатиб, ходимнинг табель куролини олиб қўйишга ҳаракат қилган.

Шундан сўнг ходим унинг ҳаракатларини тўхтатиш мақсадида табель куролидан огоҳлантириш ўқини узади. Шунга қарамай ҳуқуқбузар ноқонуний ҳаракатларини тўхтатмайди. Натижада ходим сўнгги чора сифатида унга қурол қўллаб уни ярадор қилишга мажбур бўлган.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 1999 йил 20 июлдаги 147-сонли «ИИО ходимларининг табель қуролидан фойдаланишлари ва ишлатишлари тўғрисида»ги буйруғида ўз-ўзини ҳимоя қилиш, шунингдек уларга берилган қуролни эгаллаб олишга уринишларини бартараф этиш учун охириги чора сифатида қурол ишлатиш ҳуқуқига эгаллиги бевосита белгилаб қўйилган.

23-масаланинг жавоби:

1. Ушбу ҳолатда йўналишдаги қўриқлаш хизмати нарядлари томонидан қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

– радиоалоқа ёки телефон орқали ҳодиса ҳақида ИИБга хабар берилади;

– зудлик билан объектнинг эшик, дераза ва бошқа кириш-чиқиш жойлари синчиклаб текширилади;

– агар жинойтчилар бино ичида бўлсалар, эҳтиёткорлик билан уларни кузатиш, қочиб кетишларига йўл қўймаслик чоралари кўрилади;

– жинойтчилар қочишга улгурган бўлса, у ҳолда ички ишлар органлари ходими тезкор гуруҳ етиб келгунга қадар воқеа жойини қўриқлаши, ашёвий далилларнинг йўқолиб кетмаслиги таъминланади;

– қўриқланаётган объектга тезкор ҳаракатланувчи гуруҳнинг етиб келиши билан воқеа тафсилотлари ҳақида ахборот бериб, сўнг навбатчиликни давом эттириш.

2. Йўналишдаги қўриқлаш хизмати нарядлари томонидан «ташвишгоҳ» сигнали ишлаб кетишининг сабабини аниқлаш тартиби қуйидагича амалга оширилади:

– объектни кўздан кечириш чоғида объект деразасининг синганлиги;

– объектга бегона кишиларнинг кирганлиги;

– объектдаги қўриқлаш-ёнғиндан огоҳлантирувчи ташвишгоҳ воситаларининг ўз-ўзидан ишлаб кетганлиги;

– объектда электр чиройининг ўчиб қолганлиги;

– объектда телефон алоқасининг узилганлиги каби ҳолатлар маълум бўлса.

24-масаланинг жавоби:

– наряд гумондор шахсга баланд овозда қўлларини тепага кўтаришини буюриб, ҳар қандай ножўя ҳаракатларга жавобан ўқ отилиши ҳақида огоҳлантиради;

– текширув очик жойда амалга оширилаётган бўлса гумондор шахсдан милиция ходимига нисбатан чап ёки ўнг бурчак остида туриш талаб қилинади;

– текширув пайтида наряднинг иккинчи ва учинчи аъзолари юқорида белгиланган тартибда жойлашиб, гумондорнинг хатти-ҳаракатларини ўта сергаклик билан доимо назорат қилишади, хавфсизликни таъминлашади ва ҳар қандай ҳужумни қайтаришга шай ҳолда туришади;

– гумондор шахсдан аста-секинлик билан қўлларини тепага, тирсақларини кўзларидан юқори сақлаб турган ҳолда олдин чап тиззага, сўнг ўнг тиззага туришни, бундан кейин, аста-секинлик билан ерга юз тубан ётишни ва қўлларининг кафтларини юқорига қаратиб чўзишни, оёқларини эса икки томонга керишни талаб қилади;

– гумондор шахс томонидан милиция ходимига нисбатан содир этилиши мумкин бўлган тажовузларни олдини олиш мақсадида наряд каттаси унга чап томондан яқинлашиб, чап тиззаси билан гумондор шахснинг белини босиб, ундан қўлларини орқага қилишни талаб қилади;

– наряд томонидан хавфсизлик чоралари кўрилиб, гумондор шахснинг қўлига кишан солиниб, қурол олиб қўйилади;

– ерда ётган гумондор шахснинг билаклари, бадани, ёнлари, оёқлари, шунингдек чўнтаклари ва кийимининг бошқа қисмлари тўлиқ тинтувдан ўтказилади;

– гумондор шахсга қурол осилган томон билан яқинлашиш тақиқланади;

– автопатруль чақиртирилиб, у етиб келгунга қадар ҳибсга олинган шахсни кўриқлаб, унинг шериклари томонидан қилиниши мумкин бўлган ҳужумни қайтаришга шай ҳолатда бўладилар;

– ушбу ҳолат ҳақида ҳудудий ИИБ бошлиғига ва кўриқлаш бўлими бошлиғига билдирги орқали ахборот беради.

25-масаланинг жавоби:

– ўт ўчириш бўйича 101 рақамга телефон қилиб, дарҳол ўт ўчириш гуруҳини воқеа жойига чақириш ва 102 рақами орқали ҳудудий ИИБ навбатчилик қисмига хабар бериш;

– жароҳатланганлар бўлса, дарҳол 103 рақами орқали «тез тиббий ёрдам»ни чақириш ёки бирор транспорт воситасида яқин орадаги тиббиёт муассасасига юбориш. Жароҳатланган шахснинг ва транспорт воситаси эгасининг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш манзили, иш жойи ва транспорт воситасининг давлат рақами ёзиб олинади;

– ўт ўчиришга атрофдагиларни жалб этиш, ўзи ҳам шахсан иштирок этиш, одамлар ва уларнинг мол-мулкани имкони борича сақлаб қолишига ҳаракат қилиш;

– ўт ўчириш гуруҳи келгандан сўнг ишни давом эттириш, ўт ичидан олиб чиқилган мол-мулкларни қўриқлашни ташкиллаштириш;

– ўт ўчиришга алоқаси бўлмаган одамларни, ўт ичида қолган бинога киритмаслик;

– воқеа жойида жамоат тартибини сақлаш, турли хил тартиббузарликларга ва аҳолининг хавотирланишига йўл қўймаслик ва тинчлантириш;

– ўт ўчириш вақтида, ўт ўчириш жиҳозларини шикастланмаслигига ҳаракат қилиш;

– аланга катта майдонни эгаллаш хавфи бўлса, у ҳолда юқори ташкилотларга зудлик билан хабар бериш, ишга яроқли аҳоли кучидан ўт ўчиришда фойдаланиш;

– агар бинога ўт қўйиш бирон-бир шахс томонидан қасддан уюштирилгани маълум бўлса, у ҳолда дарҳол жиноятчини қўлга олиш чорасини кўриш ва ашёвий далилларни қўриқлаш;

– воқеа хусусида ва қилинган ишлар ҳақида ИИБ бошлиғига ёзма равишда маълумот бериш.

26-масаланинг жавоби:

– нарядга 4–5 метр қолганда наряд каттаси томонидан «Фуқаро, жойингизда тўхтанг ва қимирламанг!», «Ҳозир сизга бир қатор буйруқлар берилади, ушбу буйруқларни аста-секинлик билан аниқ

бажаришингиз шарт. Буйруқни бажармаслик ёки ҳар қандай бошқа ножўя хатти-ҳаракатингиз бизга нисбатан тажовуз деб ҳисобланади ва бунга нисбатан кескин чоралар қўлланилади. Ҳар бир буйруқдан кейин «бажаринг» деган команда берилади, шундан сўнг буйруқни бажаринг» деб айтиши лозим;

– наряднинг иккинчи аъзоси наряд каттасининг ўнг томонида жойлашиб, гумондор шахсга тўхташ тўғрисида буйруқ берилганида автомат сақлагичини тушириб, уни жанговар шай ҳолатга келтиради, шунингдек наряд каттасининг ён томонида камида 4–5 метр узоқликда туриб, унинг хатти-ҳаракатларини доимо назорат қилади, хавфсизликни таъминлайди ва ҳар қандай ҳужумни қайтаришга шай ҳолда туради;

– наряднинг учинчи аъзоси текшириш учун тўхтатилган шахсдан 7–8 метр узоқликда наряднинг иккинчи аъзосига параллел равишда жойни эгаллаб, текширилаётган шахснинг шериклари томонидан қилиниши мумкин бўлган ҳужумни қайтаришга шай ҳолда туриб, унинг хатти-ҳаракатларини кузатади;

– бўлиб ўтган ҳолат ҳақида ҳудудий ИИБ бошлиғига ва қўриқлаш бўлими бошлиғига билдирги орқали ахборот беради.

27-масаланинг жавоби:

– ушбу ҳолат юзасидан дарҳол ҳудудий ИИБ навбатчилик қисмига хабар бериш ва воқеа жойига етиб бориш;

– агар шахс тирик бўлса, у ҳолда «тез тиббий ёрдам» чақириш ва етиб келгунга қадар, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ёки атрофдаги одамлар орасида тиббий ходимлар бўлса, уларни ёрдамга таклиф қилиш;

– жинойтчиларни қўлга олиш чораларини кўриш;

– ашёвий далилларни, жинойт изларини сақлаш мақсадида воқеа жойини қўриқлашни ташкил этиш;

– гувоҳлар бўлса уларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш манзили ва бошқа маълумотларни ёзиб олиш, тезкор-тергов гуруҳ етиб келгунга қадар ёки ҳудудий ИИБ тезкор навбатчисининг қўшимча топшириғини олгунга қадар воқеа жойида бўлиб туриш;

– тезкор-тергов гуруҳ етиб келганидан сўнг гуруҳ раҳбарига воқеа хусусида ва қилинган ишлар юзасидан қисқача маълумот бериш. Борди-ю воқеа жойидан ўқотар қуроллар, пичоқ ва бошқа

ашёвий далиллар топилса, у ҳолда изларни йўқотишга йўл қўймаслик;

– об-ҳавонинг ўзгариши (қор, ёмғир ёғиши) кузатилса у ҳолда газета, тахта ёки фанер ёрдамида ашёвий далил устини вақтинча бекитиб туриш.

28-масаланинг жавоби:

– аниқланган ҳолат бўйича зудлик билан ҳудудий ички ишлар органлари навбатчилик қисмига, қўриқлаш бўлими бўйича навбатчига хабар бериш, улардан қўшимча куч юборилишини сўраб муурожаат қилиш;

– ҳуқуқбузарларни шаҳар-туман ИИБ навбатчилик қисмига олиб бориш;

– ашёвий далилларни олиш ҳақида холислар иштирокида баённома тузиш;

– фуқаролар А. Расулов ва О. Иминовлардан ҳамда холислардан ҳолат бўйича тушунтириш хатлари олиш;

– шаҳар-туман ИИБ бошлиғи номига содир бўлган ҳолат юзасидан билдирги билан ахборот бериш;

– шаҳар-туман ИИБга олиб келинганларни ҳисобга олиш китобидан рўйхатдан ўтказиш.

29-масаланинг жавоби:

– номаълум шахсларга тўхташларини таклиф қилиш ва 2 (икки) марта «ёрдамга», «бери кел» қисқа ҳуштак чалиш;

– уларни қўлга олиб текшириб, лозим бўлса, яқин орадаги ички ишлар органлари бўлимига олиб бориб топшириш;

– тегишли идораларга ҳодиса юзасидан ахборот бериш;

– борди-ю номаълум шахслар ҳуштак овозига парво қилмай беркинишга ва қочиб кетишга уринсалар ёки қочишни давом эттирсалар у ҳолда, ички ишлар органлари ходими радиоалоқа воситаси орқали ҳудудий ИИБ навбатчилик қисмига ҳодиса юзасидан ва гумондорларнинг ташқи белгилари ҳамда улар ҳаракатланаётган йўналиш ҳақида ахборот бериш.

30-масаланинг жавоби:

– шубҳали шахсни тўхтатиб, ўзини таништириб, ўнг томонда туриб, хушмуомалалик билан шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини кўрсатишни талаб қилади. Текшириш саволларини (туғилган жойи, паспорт олган муддати ва ҳ.к.) беради ва ёзиб олади. Хизмат хонасига таклиф қилиб қаердан келиб қаерга кетаётганлиги, жамодонида қандай буюмлар борлиги ва улар кимга тегишли эканлиги аниқланади. Жамодонни очиб холислар иштирокида буюмларни кўздан кечиради. Борди-ю шахсинг кўрсатмасига жамодондаги буюмлар мос келмаса, унда бу буюмларни олиб ҳудудий ИИБ навбатчилик қисмига топшириш ва холисларни таклиф этади;

– агар номаълум шахс ички ишлар органлари ходимининг чақириғига тўхтамасдан қочишга уринса, у ҳолда ички ишлар органлари ходими қуйидагиларни амалга оширади:

а) «тўхта» деган овоз билан хизмат ҳуштаги ёрдамида «ушла», «ёрдам беринг» сигналларини бериш;

б) агар шубҳали шахс ички ишлар органлари ходимининг ҳаракатларига жавоб бермаса, у ҳолда «тўхта отаман», деб оғзаки огоҳлантиради;

в) агарда юқоридаги огоҳлантиришга жавоб бермаса у ҳолда уни қўлга олишга ҳаракат қилинади, аммо қуролдан фойдаланиш ман қилинади;

г) шубҳали шахс ўша ҳудуд одами бўлса, у ҳолда унинг исми билан чақирилади, жамодонда нима борлиги қаердан келиб, қайси томонга кетаётганлиги аниқланади. Буюмлар унга тегишли бўлса, тартибни бузганлиги ҳақида огоҳлантирилади ва ИИБга билдирги орқали хабар беради.

31-масаланинг жавоби:

1. Ушбу ҳолатда кўриқлаш хизмати ходимлари шахсий хавфсизлик чораларини кўриб, номаълум шахсни ушлаш тадбирларини амалга оширади.

2. Ушбу ҳолат бўйича кўриқлаш хизмати ходимлари томонидан қуйидаги ҳужжатлар расмийлаштирилади:

- шахсни тинтув қилиш баённомаси (икки холис иштирокида);
- далилий ашёни олиш баённомаси (икки холис иштирокида);
- тартиббузарнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатидан нусха;
- олиб қўйилган далилий ашёнинг завод омборига топширилганлиги ҳақида омбор мудирининг маълумотномаси;

- олиб қўйилган далилий ашёнинг нархини кўрсатувчи завод бухгалтериясининг маълумотномаси;
- завод кадрлар бўлиmidан тартиббузарнинг ҳақиқатан шу заводда ишлаши ҳақидаги маълумотномаси;
- Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 61-моддасига асосан тартиббузарга нисбатан тузилган маъмурий баённома;
- тартиббузарни маъмурий йўл билан ушлаб туриш учун баённома;
- ҳудудий ИИБ бошлиғи номига ходимнинг билдиргиси;
- тартиббузарнинг тушунтириш хати;
- гувоҳ ва холисларнинг тушунтириш хатлари;
- тартиббузарнинг яшаш жойидан тавсифнома ва маълумотнома;
- тартиббузарнинг иш жойидан тавсифнома;
- ИИБ Ахборот марказидан тартиббузарнинг бир йил давомида ҳуқуқбузарлик содир этган ёки этмаганлиги ҳақида сўров маълумотномаси;
- туман жиноят ишлари бўйича суди раиси номига кузатув хати.

32-масаланинг жавоби:

- зудлик билан ҳудудий ИИБ тезкор навбатчига, тўғридан-тўғри бошлиғига ва авария-қутқарув хизматига хабар беради;
- портлаш жойи ва унинг атрофидаги ҳудудни ўрашда иштирок этади;
- воқеа жойида бўлганларнинг хавфсиз жойга кўчирилишини ташкил этади ва бунинг бир йўлакдан юриб амалга оширилишини таъминлайди;
- ўралган ҳудудга бегоналар киришига йўл қўймайди, қайта пайдо бўлган шахсларни ушлайди. Хавфсиз ҳудудда тезкор суриштирув тадбирларини амалга оширади;
- воқеа жойида ўтказилаётган қутқарув ҳаракатлари давомида портлаш техникаси экспертлари етиб келгунларича криминалистик аҳамиятга эга маълумотларни сақлайди, бегона шахсларнинг ҳаракатланишини тақиқлайди, нарсаларга тегиш, уларни жойидан силжитиш, бир жойдан иккинчи жойга кўчиришга йўл қўймайди;
- оммавий қўрқув ва ваҳима келиб чиқишининг олдини олади, жабрланганларни тинчлантиради, зарур бўлганида уларга тинчлантирувчи воситалар берилишини таъминлайди;

– енгил шикастланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатади ва имкониятга қараб воқеа тафсилотлари бўйича кўрсатмалар олиш учун жойида қолдиради, уларнинг шифохонага жўнатилишини ташкил қилади. Мурдаларга тегмайди;

– портлашдан кейин ўлиши мумкин бўлган электр токи уриши, газ ва тутундан захарланиш ҳолатларининг олдини олади, воқеа жойидаги моддий ва қимматбаҳо буюмларнинг ўғирланиши ва талон-тароҷ қилинишига йўл қўймайди;

– воқеа жойида видеоёзув ва фотосуратга тушириш ҳамда овоз ёзиш жиҳозлари мавжуд бўлса, улардаги маълумотларни сақлайди;

– гувоҳ ва ушлаб турилганларни сўроқ қилишда улардаги радиоузатгичлар, радио, аудио ва видеоёзув аппаратлари мавжудлигига эътиборни қаратади. Уларнинг ҳаракатини назорат қилади;

– гувоҳ ва ушлаб турилганларнинг ҳеч қандай нарса, объект, шунингдек шахсий буюм ва кийим-кечакларнинг ҳам йўқ қилинишига йўл қўймайди.

33-масаланинг жавоби:

– шубҳали ашёга тегишга ва уни жойидан кўзғатишга ҳамда очиб кўришга йўл қўймаслик чораларини кўради;

– шубҳали ашё турган жойнинг аниқ манзили (мўлжал) ва ашёнинг кўриниши ҳақида ИИБга хабар беради;

– ички ишлар органларининг бошқа ходимлари ва жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда камида 150 м масофага айлана узунликда (радиусда) шубҳали ашё аниқлаган жойни ўраш, кўриқлаш ҳамда бегоналарни киритмаслик чораларини кўради;

– агар шубҳали ашё подъездда ёки кўп қаватли уй ёнидан топилса, шовқин-суронсиз ва ваҳимасиз ушбу уйда яшовчиларни хавфсиз жойга кўчиришни ташкил этади;

– яқин атрофда турган барча техника воситаларини шубҳали ашё турган жойдан узоклаштириш чораларини кўради;

– шубҳали ашё аниқланган жойга яқин жойлашган корхона, ташкилот, муассасалар ходимларини ва савдо ҳамда овқатланиш шохобчаларидан, оммавий дам олиш жойлари, ўйингоҳлардан фуқароларни хавфсиз жойларга чиқаришни ташкил этади;

– шубҳали ашёни зарарсизлантириш учун келган мутахассисларга вазиятни тушунтиради ва уларга керакли ёрдам кўрсатади.

– бўлиб ўтган ҳолат ҳақида ҳудудий ИИБ бошлиғига ва қўриқлаш бўлими бошлиғига билдирги орқали ахборот беради.

34-масаланинг жавоби:

– қўриқлаш нарядга 7–8 метр қолганда наряд каттаси «Фуқаро, жойингизда тўхтанг, қўлингиздаги нарсани ерга қўйинг ва ундан ўннга (чапга) уч қадам ташланг!», «Ҳозир сизга бир қатор буйруқлар берилади, ушбу буйруқларни аста-секинлик билан аниқ бажаришингиз шарт. Буйруқни бажармаслик ёки ҳар қандай бошқа ножўя ҳаракатингиз бизга нисбатан тажовуз деб ҳисобланади ва бунга нисбатан чоралар қўлланилади. Ҳар бир буйруқдан кейин «бажаринг», деган команда берилади, шундан сўнг буйруқни бажаринг» деб айтиши лозим;

– шубҳали шахс текширилганидан сўнг наряд каттаси ундан қолдирилган сумка ёки пакетнинг олдига яқинлашиб, ўнг қўлининг бош ва кўрсаткич бармоқлари билан сумканинг бир четини ушлаб, чап қўли билан унинг оғзини аста-секинлик билан очишни талаб қилади;

– шундан сўнг наряд каттаси гумондор шахсдан яна ўз жойига қайтишни талаб қилиб, сумканинг олдига яқинлашади;

– гумондор шахс яна бир бор у томонидан қилинган ҳар қандай ножўя ҳаракати тажовуз деб ҳисобланиши ва бунга нисбатан кескин чоралар қўлланилиши ҳақида огоҳлантирилади;

– текшириш жараёнида шубҳали ва хавф туғдириши мумкин бўлган нарсалар йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, наряд каттаси ўз жойига қайтади ва ўнг қўлини баланд кўтарган ҳолда чап қўли билан сумканинг ичидаги нарсаларни аста-секинлик билан бирма-бир чиқаришни талаб қилади;

– текширилаётган шахсдан кескин ҳаракатларсиз сумканинг ичидан чиқарган нарсани сумканинг ёнига қўйиб, кейингисини олишни талаб қилади;

– совуқ ва ўқотар қурол, граната ёки шунга ўхшаш хавфли нарсалар аниқланганда, ходим баланд овозда «пичоқ (қурол, граната)» деб шерикларини огоҳлантиради ва шахснинг қўлидаги жисмдан ва вазиятдан келиб чиққан ҳолда уни зарарсизлантириш чораларини кўради;

– бўлиб ўтган ҳолат ҳақида ҳудудий ИИБ бошлиғига ва қўриқлаш бўлими бошлиғига билдирги орқали ахборот беради.

35-масаланинг жавоби:

– транспорт воситасини кўзғатмаслик, ўзбошимчалик билан унинг ичини очиб кўрмаслик ва автомобилни эвакуатор билан эвакуация қилмаслик чораларини кўради;

– шубҳали автоуловга тегиш, эшикларининг юкхоналарини очиш ҳамда ҳайдаб бошқа жойга ўтказишга йўл қўймайди;

– шубҳали автоулов турган жойнинг аниқ манзили (мўлжал), автоулов ва портловчи моддаларнинг кўриниши ҳамда вазият ҳақида ИИБга зудлик билан хабар беради;

– транспорт воситаси турган жойдан камида 1000 метр узоқликдаги атрофни ўраб олиб қўриқлайди ва ҳудудга бегоналарнинг киришига йўл қўймаслик чораларини кўради;

– маскан ёки постга олиб келувчи, патруллик йўналишидан ўтувчи автомобиль йўлларида ҳаракатланишни тўхтатиш ва қолиб кетган транспорт воситаларини хавфли ҳудуддан чиқариб юбориш чораларини амалга оширади;

– агар шубҳали автоулов подъезд ёки кўп қаватли уй ёнида аниқланса, шовқин-суронсиз ва ваҳимасиз ушбу уйда яшовчиларни хавфсиз жойга кўчириш чораларини кўради;

– шубҳали автоулов турган жойга яқин жойлашган корхона, ташкилот ва муассасалар ходимларини, шунингдек бошқа фуқароларни савдо ёки овқатланиш шохобчаларидан, оммавий дам олиш жойларидан, ўйингоҳларда хавфсиз жойларга чиқаришни ташкил этади;

– шубҳали автоуловни зарарсизлантириш учун келган мутахассисларга вазиятни тушунтиради ва уларга керакли ёрдам кўрсатади;

– бўлиб ўтган ҳолат ҳақида ҳудудий ИИБ бошлиғига ва қўриқлаш бўлими бошлиғига билдирги орқали ахборот беради.

36-масаланинг жавоби:

– зудлик билан ҳолат ҳақида ҳудудий ИИБ навбатчилигига хабар беради;

– фуқаролар зинапояларда ва бошқа ўтиш жойларида йиқилганда зинапоянинг юқори қисмидан келаётган фуқароларнинг ҳаракатини

тўхтатади, пастки қисмидагиларини эса бошқа чиқиш эшигига ёки ўтиш жойларига жўнатади;

– алоқа воситаси орқали ҳудуд, сектор бошлиғига, тезкор штабга вазият тўғрисида ахборот берилади, зарур ҳолларда ёрдам сўралади;

– жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш чоралари кўрилади;

– фуқароларни хотиржамликка, тартиб сақлашга ва милиция нарядларига ёрдам кўрсатишга чақирган ҳолда жабрланганларни эвакуация қилиш борасидаги ишларни ташкиллаштиради;

– фуқароларнинг зина ва бинолар бузилганлиги натижасида тан жароҳати олганлиги тўғрисида хабар олинганда ҳудуд, сектор бошлиғи бу ҳақда зудлик билан ҳудудий ИИБ навбатчилик қисмига, у орқали фавқулодда вазиятлар идораларига ахборот берилади;

– ажратилган милиция нарядларининг кучидан фойдаланган ҳолда воқеа жойини ўраб олиш чоралари кўрилади;

– тиббиёт ходимлари билан ҳамкорликда жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатилиши ва уларнинг хавфсиз жойга эвакуация қилиниши таъминланади;

– захира кучлари ёрдамида фуқароларнинг бир жойга тўпланишларига йўл қўймаслик, милиция нарядларининг ҳушёрлигини ошириш чоралари кўрилади;

– фуқаролар ўртасида саросималик юзага келишига йўл қўймаслик мақсадида мегафонлар ва овозни баланд қилгач мосламалар, зарур ҳолларда объектда мавжуд бўлган радиоэшиттириш тармоқларидан фойдаланиб, фуқароларни саросимага тушмасликка, хотиржамликка ҳамда жамоат тартибига қатъий риоя этишига чақирилиб, улар ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилади;

– фуқароларнинг йиқилиши ҳолати сабабларини, гувоҳларни аниқлаш ва ҳужжатлаштириш, воқеа жойини кўриқлаш бўйича тадбирлар амалга оширилади;

– воқеа жойига тез ёрдам ва авария хизматлари автомашиналарининг тўсиқларсиз ўтиши таъминланади, жабрланганлар ажратилган транспорт воситаларида эвакуация қилинади;

– ҳолат юзасидан ҳудудий ИИБ бошлиғига ва кўриқлаш бўлими бошлиғига билдирги орқали ахборот берилади.

МУНДАРИЖА

СЎЗБОШИ.....	3
8-мавзу. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари хузуридаги қўриқлаш бўлинмалари фаолиятини юридик шахс сифатида ҳуқуқий тартибга солиш.....	5
9-мавзу. Қўриқлаш бўлинмаларининг молиявий фаолиятини ташкил этиш ва тартибга солиш асоси	5
10-мавзу. Қўриқлаш саф бўлинмалари ходимларининг хизматини ташкил этиш тартиби.....	6
11-мавзу. Қўриқлаш милиция нарядлари хизматини ташкил этиш тартиби.....	6
12-мавзу. Қўриқланаётган объектларга кириш-чиқиш тартибини ташкил қилиш асослари.....	8
14-мавзу. Қўриқлаш бўлинмаларида техник қўриқлаш пунктларининг фаолиятини ташкил этиш асослари	9
15-мавзу. Техник қўриқлаш пунктларининг фуқаролар хонадонларини қўриқлашини ташкил этиш тартиби	10
17-мавзу. Қўриқлаш бўлинмаси нарядларининг итлар билан хизмат ўташининг ўзига хос жиҳатлари.....	11
18-мавзу. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари хузуридаги қўриқлаш бўлинмаларининг банк муассасаларини қўриқлашини ташкил этиш тартиби	12
20-мавзу. Ўта муҳим ва тоифаланган объектларни қўриқлаш, мудофааси ҳамда хавфсизлигини таъминлаш тартиби.....	13
23-мавзу. Алоҳида шароитларда ички ишлар органлари ходимларининг асосий вазифалари	14
24-мавзу. Ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этганликда гумон қилинаётган шахсларни ушлаш ҳамда ушланган шахсларни ички ишлар органларига олиб келиш тартиби.....	15
25-мавзу. Портлаш хавфи бор предметлар аниқланганида ички ишлар органлари ходимларининг хавфсизликни таъминлаш чораларини кўриш бўйича тактик ҳаракатлари.....	16
Ж А В О Б Л А Р.....	18

ЗИЁДУЛЛАЕВ Музаффар Зиёдуллаевич,
юридик фанлар номзоди, доцент;

АШУРОВ Алишер Хўжамуродович;

НАМАЗОВ Равшан Бахтиёрович

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ҚЎРИҚЛАШ ХИЗМАТИ
ФАОЛИЯТИ КУРСИДАН МАСАЛАЛАР
ТЎПЛАМИ**

ЎҚУВ-АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМА

Муҳаррир Б. Қ. Эргашев
Техник муҳаррир М. Р. Исаметова

Босишга рухсат этилди 05.06. 2013. Нашриёт-ҳисоб табағи 2,8.
Адади 50 нусха. Буюртма № 78.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,
100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68